

## «ТАСДИКЛАЙМАН»

Норин-Корадарё сув  
иншоотлари бошкармаси  
бошлиги:



С.Хакимов

Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармасида “**Йирик сув ўлчаш гидропостларини қиёслаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш**” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон – 2022 йил.

## **Танлов хужжатларининг кискача мазмуни:**

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома.
2. Нархлар кисми.

## **Танлов иштирокчиси учун йурикнома**

### **1. Танлов предмети ва тахминий киймати**

Танлов предмети: “**Йирик сув ўлчаш гидропостларини қнёслаш ва метрологик аттестациядан үтказиш**” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш.

- 1.1. Танлов киймати **73 000 000** сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.2. Бажариладиган ишлар буйича техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. Танлов ташкилотчилари**

- 2.1. **Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармаси** (бундан буён «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.  
Манзили: Андижон тумани, Куйган-ёр шахарчаси БФК куча 1-уй.  
Эл.адрес: [karadarya@mail.ru](mailto:karadarya@mail.ru)
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов **Норин-Корадарё сув иншоотлари бошкармаси** томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда утказилади.

### **3. Танлов иштирокчилари**

- 3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади.
- Танлов предмети кийматининг камида 20% микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги.
  - Шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар.
  - Танлов обьектига ухшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги.
  - Уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар.
  - Танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50% кам булмаган холда).
  - Низом маблаги микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизмат)ларни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танлов иштирок этиш учунбелгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида этишга рухсат берилмайди.
- Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий керамлиги мавжудлар.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.**

- 4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириш лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида куйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим.
  - Техник кисм, «Буюртмачи» томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар курсатилиши керак.
  - Нархлар кисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак.
  - Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

#### **4.4. Куйидаги хужжатлар тулиқ булиши талаб этилади.**

- Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:
- Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади).

#### **4.5. Танлов иштирокчиси:**

- Факат бита таклиф бериши мумкин.
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тулиқ жавобгар булади.
- Таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгаририш киритиш хукукига эга.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

- 5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар булади.
- 5.2. Танловлар утказиш буйича тузилган харид утказиш комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб

иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакиийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. Бошка шартлар

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда курсатилган ахборот узайтирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сурор юборишга хакли. Сурор келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сурорга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баенномаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баенномаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тугрисида сурор юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сурор келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушинтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Норин-Қорадарё сув иншоотлари

бошқармаси бошлиғи

С.Хакимов



“Йирик сув ўлчаш гидропостларини қиёслаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун

### ХАРАЖАТЛАР КАЛКУЛЯЦИЯСИ

№	Харажат иш турлари	Жами харажатлар (минг сўм)
1.	Иш хақи (ўлчовларни таҳлил қилиш ва “Метрология бўйича йўриқнома” ишлаб чиқиш ва давлат стандартидан рўйхатдан ўтказиш)	40 320
2.	Ягона ижтимоий тулов 25% иш хақидан	10 080
3.	Хизмат сафари харажатлари (гидропостларда ўлчов ишларини олиб бориш)	5 000
4.	Канцтоварлар, ёзув коғози	3 000
5.	Устама харажатлар (коммунал ва ижара тўловлари билан бирга - шартноманинг умумий қийматидан 20%)	14 600
ЖАМИ		73 000

ҚТБ бошлиғи:

Д.Жўраев